

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

АДИЛОВ МУХАММАДЖОН МАШАРИБОВИЧ

ГРАНУЛЛАНГАН КРЕМНИЙНИНГ ТЕРМОЭЛЕКТРИК
ХОССАЛАРИ

01.04.04. – Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Адилов Мухаммаджон Машарибович Грануллиланган кремнийнинг термоэлектрик хоссалари	3
Адилов Мухаммаджон Машарибович Термоэлектрические свойства гранулированного кремния	21
Adilov Mukhammadjon Masharibovich Thermoelectric properties of granular silicon	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	43

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

АДИЛОВ МУХАММАДЖОН МАШАРИБОВИЧ

ГРАНУЛЛАНГАН КРЕМНИЙНИНГ ТЕРМОЭЛЕКТРИК
ХОССАЛАРИ

01.04.04. – Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/FM65 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.iplt.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашуров Хатам Бахронович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиев Баҳром Эгамбердиевич
Физика-математика фанлари доктори, профессор

Исаханов Зинаобидин Абилпейзович
Физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон миллий университети қошидаги
яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника
илмий - тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



С.С. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Д.Т. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим



Б.Е. Умирзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда энергетика муаммоси асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун бутун дунёда анъанавий энергия манбаларини такомиллаштириш ва асосий талаблари кўп, арзон ҳамда экологик тоза бўлган муқобилларини топиш ишлари олиб борилмоқда. Бу изланишларнинг асосий йўналишларидан бири термоэлектрик қурилмалардан фойдаланиб, табиий ёки техноген ҳосил бўлган иссиқликдан тўғридан тўғри электр энергияси олиш ҳисобланади, термоэлектрик қурилмалар тайёрлаш учун, охириги пайтларда «электрон кристалл ва фонон шиша» хусусиятини ўзида жамлаган янги турдаги термоэлектрик материаллар тайёрланмоқда. Монокристалл бўлмаган бошқа турдаги яримўтказгич шу жумладан кремнийни олиш технологияси арзонлиги ва ўзлаштирилганлиги, ер қобиқи минералларида тарқалганлиги учун, BiTe туридаги анъанавий материаллар олдида устунликка эга, шу сабабдан термоэлемент сифатида фойдаланишга бўлган қизиқиш кузатиляпти. Шу муносабат билан ҳар хил турдаги кремнийнинг электрофизик, айниқса термоэлектрик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муаммо ва масалалар, шунингдек уларнинг асосида иссиқлик энергияси ўзгартиргичларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда дунёда кўплаб ихтисослаштирилган илмий марказларда бу масалани ечиш учун микродонатор поликристалл ва ғовак туридаги микро - ва наноўлчам тузилишли ўзгартирилган кремний хусусиятларини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда, чунки электрон техникада ва қуёш энергетикасида кенг қўлланиладиган ҳамда ~ 150 Вт/м·К иссиқлик ўтказувчанликка ва ~ 44 мкВ/К кичик Зеебек коэффициентига эга бўлган монокристалл ёки йирик блокли поликристалл кремний бу жиҳатдан самарасиздир.

Ўзбекистон Республикасида охириги вақтда, турли материаллар силицидларининг термоэлектрик хусусиятларини ўрганишга этибор кучайтирилди, шунингдек яримўтказгичлардаги иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган термоэлектрик ва иссиқликвольтаик ҳодисалар физикасининг долзарб саволлари бўйича тадқиқот ва инноватцион ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз илмини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган бу фундаментал тадқиқотларнинг ва ишланмаларнинг йўналишлари ҳамда уларнинг амалий қўлланилиши 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонида ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларини ривожланишининг: III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» ва II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзу бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар турли хорижий илмий марказларда ўтказилган, жумладан ҳар хил яримўтказгич материалларнинг термоэлектрик катталикларини ошириш мақсадида термоэлектрик хусусиятлари баҳоланган. Бу соҳада энг кўп аҳамиятли натижалар хорижлик олимлар томонидан эришилган, масалан: россиялик (А.А. Снарский, А.К. Сарычев, А.В. Дмитриев, И.П. Звягин, Я.Б. Магомедов, М.И. Федоров, М.М. Гаджиалиев, В.В. Каминский), германиялик (Ж. Дебур, С. Стиве, Ш. Фолькер, Е. Муллер, К. Забреки), америкалик (Е.Ж. Тимм, Т.П. Хоган, Д. Кендиг, А. Шакури, А.И. Хочбаум), япониялик (Т.К. Хиромаса, И. Аояма, С. Сано, Ш. Ямамото, Т. Аизава, А. Ямамото) ва бошқалар, шунингдек мамлакатимиз олимлари (М.С. Саидов, Б.М. Абдурахманов, Л.О. Олимов, Г. Абдурахманов, Н.А. Матчанов, А.М. Касымахунова, Т.С. Камилов).

Кремнийнинг иссиқлик ўтказувчанлиги юқори бўлгани учун термоэлектрик материал сифатида қаралмайди, лекин охириги вақтларда ғовакли кремний ва кремний нанотрубкаларини термоэлектрик хусусиятларини ўрганиш орқали иссиқлик ўтказувчанлигини камайтириб, фойдалилигини оширишга ҳаракат қилинмоқда

В.В. Каминский ва унинг ҳамкасблари SmS намунасини бир текисда қиздирганда, яъни ташки ҳарорат градиенти бўлмаганда, электр кучланишининг ҳосил бўлишини кузатиш ва ўрганиш орқали янги термовольтаик эффектни топишди. Бу эффект 400 – 500 К ҳароратда самарий сульфиднинг монокристалларида кузатилди.

Ўзбекистонлик олимлар академик М.С. Саидов, Б.М. Абдурахманов, Л.О. Олимов, А.Ю. Лейдерман и А.С. Саидов поликристалл ва техник кремний намуналарини қиздирганда ҳосил бўладиган киришмали тепловольтаик эффектни топишди ва тадқиқ қилишди. Бу эффект қоронғилик токи ва кучланиши кўринишида, термоэлектрик катталикларини жудаям кўпайиши билан номаён бўлади, бу кремнийдаги киришмалар ҳисобига ҳосил бўладиган чуқур энергия сатхларнинг иштирокида фотонларнинг ютилиши натижасида заряд ташувчиларнинг генерацияси содир бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг ФА-Ф2-ФО 98 «Микронадор поликристал кремнийнинг электрофизик ва фотовольтаик хусусиятларини ўрганиш» (2007-2011) и Ф3-ФА-Ф158 «Кичик ўлчамли нотекис киритмали органик ва ноорганик грануланган ярим

ўтказгичлар асосидаги системаларда энергия ўзгартириш жараёнлари» (2012-2016), ФА-А4-Ф061 «Наноўлчамли структурага эга кремний олишнинг ион – плазмали технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-017), ОТ-ФЗ-11 «Қуёш энергетикаси ва электроника материаллари қарашида турли ўлчамли кремний ва унинг оксиди структураларида ташиш ва релаксация жараёнлари» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади грануллиланган кремнийнинг электрофизик ва термоэлектрик хусусиятларини 300-1000 К температуралар оралиғида комплекс баҳолаш ва шулар асосида иссиқлик энергия ўзгартиргичи қурилмасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

зарраларининг ўлчами 1-30 мкм бўлган грануллиланган кремний асосида иссиқлик энергияси ўзгартиргичининг корпусланган намуналарини тайёрлаш методикасини ишлаб чиқиш;

0-250 МПа босим оралиғида сиқилган ва 300-1000 К температураси оралиғида бўлган турли хом ашёдан тайёрланган кремний кукунларининг солиштирма қаршилигини ўзгариш қонуниятини тадқиқ қилиш;

300-1000 К температура оралиғида, зарраларининг ўлчами 1-30 мкм бўлган грануллиланган кремнийнинг электрофизик хусусиятларини ўрганиш;

грануллиланган кремнийнинг асосий термоэлектрик хусусиятларини ўрганиш ва методиканиси ўзлаштириш, айнан, 300-1000 К температура оралиғида электр ўтказувчанлик, иссиқлик ўтказувчанлик ва Зеебек коэффициентини ўрганиш;

ишчи жисмда температура градиенти ҳосил қилиб, грануллиланган кремний намуналарининг параметрларини ўлчаш;

грануллиланган кремнийнинг термоэлектрик катталикларини ошириш йўллари физикавий асослаш;

иссиқлик энергияси ўзгартиргичларининг янги турлари макетларини ишлаб чиқиш ва тавсифларини ўлчаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида n- ва p- тип ўтказувчанликли монокрисалл кремний ҳамда термоэлектрик катталиклари бошқариладиган техник кремнийдан майдалаб тайёрланган, грануллиланган кремний ва ҳар хил вариантларда грануллиланган кремнийдан тайёрланган корпусланган намуналар, шунингдек ҳар хил типдаги иссиқлик энергияси ўзгартиргичлари макети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети грануллиланган кремний намуналарининг вольт-ампер, термоэлектрик ва бошқа электрофизик тавсифлари ҳамда унинг асосида тайёрланган иссиқлик энергияси ўзгартиргичларининг макетлари, шунингдек грануллиланган кремний зарралари сиртининг оптик ва электрон микроскоп ёрдамида олинган натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Солиштирма қаршилиқни ўлчайдиган тўрт зондли методдан дастлабки материалларнинг электрофизик тавсифларини ўлчаш учун фойдаланилди. Солиштирма термоэюк ни аниқлаш учун дифференциал усули ва иссиқлик ўтказувчанликни аниқлаш учун солиштириш усули танланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўлчами 1-30 мкм бўлган кремний зарраларини ўхшаш бўлган иккита металл контакт оралиғида механик сиқилган грануллиланган намунаси қиздирилганда электр юритувчи куч ва ток ҳосил бўлиши аниқланган;

заррачалар катталиги 1–30 мкм бўлган кремний кукунидан тайёрланган ва қиздирилган намуналарда эркин юриш кучланишининг ($U_{э.ю.}$) миқдори 0-250 МРа оралиғидаги босимга эмас, балки намунанинг узунлиги бўйлаб ҳарорат фарқига боғлиқлиги топилган;

заррачалар катталиги 1–30 мкм бўлган грануллиланган кремнийдан тайёрланган ва қиздирилган намуналарда қисқа туташув токининг (I_{к.т.}) миқдори 0–250 МРа оралиғида қўлланилган босимга кучли боғлиқлиги топилган;

100 МРа босим билан сиқилган кукун шаклидаги грануллиланган кремнийнинг 300–350 К ҳарорат оралиғидаги иссиқлик ўтказувчанлиги ~16 Вт/м*К эканлиги, бу эса монокристалл кремнийнинг иссиқлик ўтказувчанлигидан 9 марта кичиклиги аниқланган;

грануллиланган кремнийнинг Зеебек катталиги 300–350 К ҳарорат оралиғида ~500 мкВ/К эканлиги, бу эса монокристалл кремнийнинг Зеебек катталигидан 10 марта катталиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

заррача ўлчами 1-30 мкм бўлган, грануллиланган кремний асосида иссиқлик энергияси ўзгартиргичи ишлаб чиқилган,

иссиқлик энергияси ўзгартиргичи ёрдамида паст потенциалли манбадан олинган иссиқликни, ҳамда йиғилган қуёш нурланишини электр энергиясига айлантириш мумкинлиги кўрсатилган;

техник кремнийни майдалаш орқали тайёрланган, грануллиланган кремний асосида иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириш учун яримўтказгичли қурилма ишлаб чиқариш мумкинлиги кўрсатилган;

грануллиланган кремнийнинг ўтказувчанлигини оширишга ноноўлчамли SiO₂ плёнка орқали заряд ташувчиларнинг резонансли туннелини ташкил қилиш орқали эришиш мумкинлиги ва бунга кремний диоксидига махсус киришмалар киритиш ёки радиация таъсирида эришиш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот учун замонавий стандарт, синовдан ўтган ва метрологик сертификатланган ўлчов асбоблар ва жихозлардан фойдаланиш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, грануллиланган кремнийдан тайёрланган изотип ҳамда бир - бирига механик ёпиштирилган электрон ва ковак ўтказувчанликга эга бўлган намуналар қиздирилганда, кремнийни майдалаш жараёнида ҳосил бўладиган грануллиланган кремний юзасидаги нуқсонлар, шунингдек тозаллиги 98.8% бўлган бошланғич ҳомашё яни техник кремнийдаги қўшимчалар туфайли ҳосил бўладиган чуқур энергетик сатҳлар иштирокида фотонларнинг ютилиши ҳисобига заряд ташувчиларнинг ҳосил бўлиши натижасида электр юритувчи куч ва ток оқими юзага келиши тажрибада кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф қилинган илмий-техник ечимлар грануланган кремний асосида термоэлектрик материаллар яратиш учун кўп тарқалган ва нисбатан арзон хом ашёлардан, шу жумладан монокристал ва поликристал кремний, кремний яримўтказгич асбоблари ва техник кремний ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Грануланган кремнийнинг электрофизик ва термоэлектрик хусусиятларини комплекс баҳолаш ва шулар асосида иссиқлик энергия ўзгартиргичи қурилмасини ишлаб чиқиш асосида:

иссиқлик вольтаик эффекти асосида иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантирувчи «Иссиқлик-вольтаик энергия ўзгартиргич» қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (27.10.2015 й., №IAP 05121). Ишлаб чиқилган қурилма грануланган кремний асосида бир хил ўтказувчанликка эга бўлган иссиқлик энергияси ўзгартиргичини яратиш имконини берган;

иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириш учун «Энергия ўзгартиргич» қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг (22.01.2014 й., №IAP 04831) ихтиро патенти олинган. Ишлаб чиқилган қурилма грануланган кремний асосида ҳар хил типдаги ўтказувчанликка эга бўлган кремний кукунларини бир-бирига сиқиш орқали иссиқлик энергияси ўзгартиргичини яратиш имконини берган;

энергия ўзгартиргичларини параллел ва кетма-кет улаб фойдаланиш учун «Энергия ўзгартиргич (вариантлари)» қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (05.12.2013 й., №IAP 04824). Ишлаб чиқилган қурилма грануланган кремний асосида тайёрланган иссиқлик энергияси ўзгартиргичларини параллел ва кетма-кет улаб батарея сифатида ишлатиш имконини берган;

йиғилган қуёш нурини электр энергиясига айлантириш учун «Қуёш нурланишини ўзгартиргич» қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (22.04.2014 й., №IAP 04884). Ишлаб чиқилган қурилма йиғилган қуёш нурланишининг фотоактив бўлмаган қисмидан фойдаланиб, грануланган кремний асосида электр энергия олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 8 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 6 та мақола диссертация ишларининг асосий илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган журналларда чоп этилган ва 4 таси ихтирога патент билан ҳимояланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, 47 та расм ва 7 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланган, унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг қўлланилиши ҳақида маълумотлар диссертация ишининг апробацияси, ҳамда ҳажми ва тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Диссертация тематикаси бўйича адабиётлар манбаси таҳлили»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича батафсил адабиётлар шарҳи қилинган.

Анъанавий ва кўп қўлланиладиган BiTe, PbTe, SiGe каби қотишмали термоэлектрик материалларнинг физикаси, техникаси ва технологияси бўйича илмий ишлар ва патентлар таҳлили ўтказилган.

Термоэлектр соҳасида янги ишланмалар натижалари: нанотузилишли материаллар, квант нуқталарига эга материаллар, квант толалари ва симлари, квант ўрасига эга структуралар, яна скуттерудитлар ва клатратлар баён қилинган. Обзорда турли модификациялардаги силицидлар ва кремнийнинг термоэлектрик хусусиятларини алоҳида эътибор қаратилган. Босим таъсирида ва гетероструктура тайёрлаш воситасида термоэлектрик параметрларни ошириш усуллари таҳлили ўтказилган. Обзорда яна яқинда очилган янги термовольтаик ва тепловольтаик эффектлар ҳақида қисқача баён қилинган.

Диссертациянинг **«Грануланган кремний намуналарини тайёрлаш ва электрофизик ва термоэлектрик хусусиятларини баҳолаш учун усуллар, қурилмалар ва ускуналар»** деб номланган иккинчи бобида қуйидагилар келтирилган: хом ашё танлаш ва параметрларини аппаратурали баҳолаш, грануланган кремний тайёрлаш методикаси, яъни хом ашёни ўлчами 1÷30 мкм бўлган кукун ҳолигача майдалаш, корпусланган намуналар тайёрлаш методикаси, ўтказувчанликни ва иссиқлик ўтказувчанлик ва Зеебек коэффициентини ўлчашда қўлланиладиган воситалар ва усуллар тавсифи каби маълумотларга алоқадор эксперимент методикасига бағишланади.

Ўлчашларда қўлланилган метрологик тавсия этилган ускуналарнинг қисқача қўлланмаси келтирилган:

ўтказувчанлик типларни аниқловчи, «Термозонд» ва «Учзондли» усуллар;

солиштирма қаршилигини аниқловчи 4-зондли усул;


кремний кукунининг электр ўтказувчанлигини доимий ток ёрдамида 2-контактли усулни қўллаган ҳолда ўлчаш;

грануланган кремнийнинг солиштирма термоЭЮК ни дифференциал усулни қўллаган ҳолда ўлчаш;


солиштирма усулларга асосланган материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини ўлчаш методикаси батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг «Гранулланган кремний намуналарининг асосий электрофизик ва термоэлектрик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида гранулланган кремнийнинг термоэлектрик хусусиятларини батафсил ўрганиш орқали унинг электрофизик ва термоэлектрик хусусиятларининг тадқиқот натижалари келтирилган.

Биз гранулланган кремнийни электрофизик ва термоэлектрик катталикларини корпусланган ҳолатда ўргандик, 1-расмда одатий корпусланган намуналарнинг кесими келтирилган. 3-корпус ички диаметри 2 мм ва ташқи диаметри 4 мм бўлган керамик трубка шаклида ясалган. 1 – кремний кукуни, 2 – қилинган контактлар, улар ўтказувчан материалдан, яъни пўлатнинг П.3 маркасидан тайёрланган, узунлиги ~10 мм.




1-расм. Корпусланган намунанинг кесими



2-расм. Салт юриш кучланишининг температурага боғлиниши

2-расмда гранулланган кремнийдан тайёрланган корпусланган намунадан (1) ва контактловчи материалдан, яъни Ст.3 маркали пўлатдан (2) олинган салт юриш кучланишининг температурага боғлиниши келтирилган. Ушбу ўлчаш намуналарнинг термоэлектрик хусусиятларини баҳолашда контакт материалларининг ролини кўрсатиш учун келтирилган. Кўриниб турибдики, 300 ÷ 900 К оралиғида контакт материалининг термоЭЮК кремний намунасидан ~200 ÷ 400 марта кичик. Шундай қилиб, гранулланган Si намуналарида ўлчанган термоЭЮК қийматлари контакт металлларининг ва контакт соҳасининг эмас, балки гранулланган кремнийнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Гранулланган материаллар, шунингдек кремнийнинг электрофизик ва термоэлектрик хусусиятлари умумий ҳолда жуда кўп катталикларга боғлиқ (босим, температура ва ҳ.к.).




3-расм. Гранулланган кремний намунасида $U_{с.ю.}$, $I_{к.т.}$ нинг корпусланган намуна бўйлаб бир хил температура градиентида босимга боғлиқлиги

3-расмда 150 °C температурада грануланган кремний хусусиятларига ташқи босимнинг таъсири кўрсатилган.

(20 – 200 МПа) оралағида грануланган кремнийнинг қоронғидаги $U_{э.ю.}$, кукунни сиқувчи босимнинг қийматига боғлиқ эмаслиги, $I_{к.т.}$ эса кукунни сиқувчи босимнинг қийматига кучли боғлиқлиги аниқланди.


4-расмда КЭС 0,01 маркали монокристалл Si пластинкаси бўлагидан тайёрланган кремний кукунини, 0-250 МПа ташқи босим оралағида солиштирма қаршилигига боғлиқлиги келтирилган. Кўриниб турибдики, 300 К да босимни анча мураккаб тарзда оширишда заррачаларнинг ўлчами 1-30 мкм бўлган ушбу турдаги кукуннинг солиштирма қаршилиги камаймоқда. Дастлаб, 50 МПа гача бўлган паст босим соҳасида жуда кескин жойи мавжуд, солиштирма қаршилиқнинг $\sim 10^5$ Ом·см дан ~ 10 Ом·см гача, тўрт даража камайиши, шундан сўнг $\sim 100-120$ МПа гача бўлган соҳада $\Delta\rho/\Delta P$ 0,05 Ом·см/МПа коэффиценти билан ушбу параметрда квазичизикли ўзгаради, кейинчалик ρ 0,009 Ом·см/МПа коэффицент бўйича ўзгаради.



4-расм. Солиштирма қаршилиқни босимга боғлиқлиги

Таъкидлаш керакки, босимнинг энг кўп қўлланилган 250 МПа қийматида хона температурасида қаршилиқ R ни тўғридан-тўғри ўлчаш ва $\rho = R \cdot s/l$ формула орқали, бу ерда R -ўлчанган қаршилиқ, s -намуна юзаси $\sim 0,03$ см², – грануланган кремний намунаси узунлиги $\sim 0,6$ см, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, грануляцияланган кремнийнинг солиштирма қаршилиги ўзи тайёрланган хом ашё солиштирма қаршилигидан 100 марта катта экан.


5-расмда заррача ўлчами 1-30 мкм бўлган 100 МПа босимда КЭС – 0,01 кремний хом ашёсидан тайёрланган грануланган кремнийнинг корпусланган намунасини солиштирма қаршилигининг температурага боғланиши кўрсатилган. Кўриниб турибдики, ~ 400 К температурагача қиздирилганда ρ икки каррали пасайиш ўрнига деярли чизикли пасайишга эга, кейинчалик $\rho = f(T)$ боғланиш 450 ÷ 650 К температура диапазолида платога чиқиб, солиштирма қаршилиқ температурага кам боғлиқ бўлади ва ниҳоят яна қиздириб бориш билан ρ нинг қиймати яна камайиб боради, 1050 К да қиймати $\sim 0,5$ ом·см га етади. Дефектсиз монокристалл Si дан фарқли равишда температура 700 К дан юқори бўлганда ўтказувчанликнинг ошиши солиштирма термоЭЮКни ошириш имкони натижасида иссиқлик энергиясини юқори самарадорликда алмаштиргичларни тайёрлаш учун грануланган кремний асос бўлиши мумкин бўлган шартлардан бири ҳисобланади.



5-расм. 100 МПа босимда КЭС – 0,01 кремний хом ашёсидан тайёрланган грануланган кремнийнинг корпусланган намунасини солиштирма қаршилигининг температурага боғлиқлиги

Солиштирма термоЭЮК бошқача айтганда Зеебек коэффициентини α термоэлектрик материалларнинг асосий параметрларидан бири ҳисобланади ва анъанавий ва кўп қўлланиладиган термоэлектрик материаллар (BiTe, PbTe, SiGe) каби қотишмалар учун 200 - 300 мкВ/К қийматларга эга. Монокристалл кремний учун 300 К да $\alpha \sim 44$ мкВ/К га эга ва шу сабабли олдинлари илғор термик ўтказувчан материал сифатида қаралмас эди.

6-расмда грануляцияланган кремнийнинг 300 дан 350 К гача бўлган интервалдаги Зеебек коэффициентининг температурага боғлиқлиги келтирилган. α ни ҳисоблаш натижалари n-типтаги (1-эгри чизик) ва p-типтаги (2-эгри чизик) намуналарни ушбу диапазонда қиздириш натижасида қоронғиликдаги $U_{э.ю.}$ нинг ўлчашларидан олинган.



6-расм. n-типли – 1 ва p-типли – 2 гранула ўлчами 1÷30 мкм бўлган изотип намуналарнинг дифференциал термоЭЮК нинг температурага боғлиқлиги

Иссиқлик ўтказувчанлик λ ҳам термоэлектрик материалнинг асосий параметрларидан бири ҳисобланади, бундан ташқари яна йўналишдан бири уни асиллигининг (Z) ошиши айнан унинг иссиқлик ўтказувчанлигининг камайишига асосланган, масалан «фононли шиша – электрон кристалл» каби материалларни тайёрлаш орқали.

Заррача ўлчами 1 – 30 мкм бўлган грануланган кремнийнинг, тажриба йўли билан олинган иссиқлик ўтказувчанлиги қиймати, 20 ÷ 60 °C температура оралиғида, 15,3 дан 16,7 Вт/м·К гача бўлган оралиқда ётади, бу монокристалл кремнийникига нисбатан ~ 9 марта кичик.

Диссертациянинг «Грануллиланган кремнийга асосланган иссиқлик энергияси ўзгартиргичлари макетларининг физик таъсир принципи, конструкцияси ва характеристикалари» деб номланган тўртинчи бобида грануллиланган кремний учун Зеебек коэффициенти эришилган қийматгача ошиши ва иссиқлик ўтказувчанлик камайишининг физикавий сабаблари келтирилган, шунингдек бажарилиш хусусиятлари ва ихтиро даражасида ишлаб чиқилган иссиқлик энергиясини алмаштиргичларнинг турли хилдаги 4 та макетларининг асосий параметрлари тавсифланган.

Зеебек коэффициенти ошишини тушунтириш учун субзонли фотонларнинг ютилиши ҳисобига заряд ташувчилар генерацияси билан яқунланадиган тепловольтаик эффектнинг намоён бўлиш позицияси билан тадбиқ қилинади, яъни грануллиланган кремний намунасига бериладиган чуқур энергетик сатҳларда иштирок этишда содир бўладиган паст потенциал иссиқлик, кукун заррачаси сиртидаги нуқсонлар туфайли, механик майдалашда ҳосил бўладиган ва хом ашёда мавжуд чуқур аралашмалар каби омиллар билан тушунтирилди.

Грануллиланган яримўтказгичларни, хусусан кремнийни баҳолаш ва унинг қўлланилиш истикболлари, термоэлектрик ишланмаларда гранула ўлчами d_1 ва ушбу гранула атрофидаги соҳа, яъни заррачалар чегарасидаги ўлчам эса d_2 бўлган система сифатида ўзини намоён қилувчи яримўтказгичнинг махсус ишлаб чиқилган моделига олиб келди. Тахмин қилсак, барча термоэлектрик хусусиятлар (α , σ , λ) зарралар-гранулалар ва уларга туташ соҳалар кескин фарқ қилса, у ҳолда бу система аслида адабиётларда ёзилган идеал термоэлектрик материал «электрон кристал-фонон шиша» нинг варианты ҳисобланади. Бошқа томондан, равшанки ушбу система грануллиланган кремнийдаги вазиятга жуда мос келади, бу ерда кремний кукунининг ҳар бир заррача-грануласи нано ўлчамли кремний диоксиди плёнкаси билан қопланган «электрон кристалл» ҳисобланади, юқорида келтирилган барча термоэлектрик катталиклар қийматлари кремний ва SiO_2 учун кескин фарқ қилади.

Ушбу система учун эффектив ўтказувчанлик σ_{eff} қуйидаги кўринишга эга:

$$\sigma_{eff} = \frac{\sigma_1 \sigma_2}{\sigma_2 \frac{d_1}{d_1 + d_2} + \sigma_1 \frac{d_2}{d_1 + d_2}} \quad (1)$$

Ушбу система учун иссиқлик ўтказувчанликнинг эффектив қиймати χ_{eff} қуйидаги кўринишга эга:

$$\chi_{eff} = \frac{d_1 + d_2}{\frac{d_1}{\chi_1} + \frac{d_2}{\chi_2}} \quad (2)$$

Нихоят, кремний грануласи- SiO_2 қатлам системасида солиштирма термоЭЮК нинг эффектив қиймати α_{eff} қуйидагича:

$$\alpha_{eff} = \alpha_1 \frac{\chi_2 d_1}{\chi_1 d_2 + \chi_2 d_1} + \alpha_2 \frac{\chi_1 d_2}{\chi_1 d_2 + \chi_2 d_1} \quad (3)$$

Энди $Z = \frac{\alpha^2 \sigma}{\chi}$ дан келиб чиққан ҳолда, (1), (2) ва (3) лардан фойдаланиб

Z_{eff} қийматини қуйидагича ёзамиз:

$$Z_{eff} = \left[\alpha_1 \frac{\chi_2 d_1}{\chi_1 d_2 + \chi_2 d_1} + \alpha_2 \frac{\chi_1 d_2}{\chi_1 d_2 + \chi_2 d_1} \right]^2 \left[\frac{\sigma_1 \sigma_2}{\sigma_2 \frac{d_1}{d_1 + d_2} + \sigma_1 \frac{d_2}{d_1 + d_2}} \right] \left[\frac{1}{d_1 + d_2} \left(\frac{d_1}{\chi_1} + \frac{d_2}{\chi_2} \right) \right] \quad (4)$$

Яримўтказгич гранулалари ва унинг гранулалараро чегараси ёки уларни ўраб олувчи оксид қатлам заррача хусусиятлари кучли фарқ қилса, яъни $\sigma_1 \gg \sigma_2$, $\chi_1 \gg \chi_2$, $\alpha_1 > \alpha_2$, $d_1 \gg d_2$ бўлса комбинацияланган ифода оламиз:

$$Z_{eff} = \frac{\alpha_1^2 \sigma_2}{\chi_2} \quad (5)$$

(5) ифодадаги Z_{eff} катталиқ α_1 , χ_2 ва σ_2 лар орқали аниқланади. Яъни Z нинг ошиш масаласи зарранинг термоЭЮК сини ошишига, шу билан бирга ўтказувчанликнинг ошишига ва гранулалар орасидаги чегара ёки SiO_2 қатламнинг иссиқлик ўтказувчанлигини камайишига олиб келади. Олинган ифодадан χ_{SiO_2} нинг кичик қийматидан келиб чиқиб, нима учун Z нинг қиймати гранулланган кремнийда монокристалл кремнийникига, яна куқундан қиздириб бириктирилган поликремнийникига нисбатан катта эканлигини тушунтиришга имкон беради.

Z нинг ошиши яримўтказгичли гранулада Зеебек коэффициентининг ошишига бевосита боғлиқ ва унга тепловольтаик эффектнинг вужудга келиши сабабли эришилади. Бу мантиқий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга, аммо бир-бирига тегиб турувчи гранулани қоплаб турувчи наноўлчамли оксид қатлами ўтказувчанлиги қиймати Z . Шундай қилиб, асосий вазифа- гранулланган Si учун Z ни ошириш, юқорида айтилган наноўлчамли SiO_2 қатламда грануладан гранулага заряд ташувчиларнинг туннеллашуви ҳисобига юзага келадиган, SiO_2 қатламнинг ўтказувчанлигини оширишдир. Демак, техник ечимларни излаш туннеллашув шароитларини яхшилашга қаратилган бўлиши керак. Шунинг таъкидлаш жоизки, анъанавий термоэлектрик материалларда заряд ташувчиларнинг туннеллашуви билан боғлиқ ишларда одатдаги электроннинг («гамов») туннеллашуви ҳақида қуйидаги эҳтимоллик билан сўз кетади:

$$D^{(1)}(E) = \exp \left[-\frac{2}{\hbar} \sqrt{2m(V-E)} x \right] \quad (6)$$

Бу ерда $V-E$ -энг юқори патенциал тўсиқ энергияси ва заррачаларнинг энергетик сатхлари орасидаги фарқ, x -тўсиқ кенглиги.

Биз «гамов» туннеллашуви моделини туннель контакти ичидаги оралик нуқсонли ҳолат орқали иккита электроннинг нокогерент сакрашини киритиш йўли билан ўзгартирдик. Бу ҳолат қуйидагича кўрсатилади:

$$D^{(2)}(E) = \frac{1}{2} \exp \left[-\frac{2}{\hbar} \sqrt{2m(V-E)} x/2 \right] \quad (7)$$

Ҳисоблашларга кўра, бу туннель контактнинг ўтказувчанлигини оширишга имкон беради, буни бизнинг тажрибамиз тасдиқлади, шу билан бирга юқорида кўрсатилган наноўлчамли диоксиди билан қопланган кремний заррачалари сирти, ташқаридан кремний диоксидини эслатувчи ўтиш металлларининг ўтказувчан оксид қатлами хусусан қалай диоксиди асосида «оролча» плёнкаси яратилди. Яъни, ҳар бир бирламчи гранулада кремний диоксидининг наноўлчамли оралиғи орқали заряд ташувчиларнинг туннеллашуви учун қалай диоксид оролидан ҳамда наноўлчамли қалинликдан ўзига хос ўтказувчан «плацдарм» ҳосил қилинди.

Туннель контакти ўзини ичидага ҳолатлар оралиғидан заряд ташувчилар резонанс туннеллашувини ташкил қилиш янада истиқболли намоён қилади, яъни наноқалинликли SiO_2 плёнкасининг ўзида туннеллашувнинг оптимал шартларни ташкил қилиш.

Шуни таъкидлаш керакки, резонанс туннеллашуви «гамов» туннеллашувидан принцип жиҳатдан фарқ қилади ва композит термоэлектрик материаллар соҳасида сўнги ютуқларга бағишланган аналитик шарҳга кўра, илк бора биз термоэлектрикада фойдаланиш учун таклиф қилдик.

$$D^{(3)}(E) = \frac{1}{1 + \left(\tau_0 \Theta^2 / \hbar \right)^2 (E - E_N)^2}, \quad (8)$$

Бу ерда τ_0 и E_N – потенциал ўра ичидаги электроннинг тебраниш даври ва энергияси, $\Theta = \exp\left(\int_b^a P_I \frac{dx}{\hbar}\right)$, P_I – электрон импульси.



Шубҳасиз, $\Theta \gg 1$ бўлганда, резонанс кенглиги $E - E_N = \hbar / \tau_0 \Theta^2$ кичик бўлади.

(8) ифода асосида туннель контакти ўтказувчанлигини ҳисоблаш, (7) ифода орқали ҳисоблаш билан солиштирганда сезиларли ошишни беряпти, бунинг устига (6) ифода бўйича ҳисоблашлар айниқса, агар E_N сатҳ зонали тузилишга $E_c^{Si} \leq E_N < E_c^{SiO_2}$ каби келтирилган бўлса.

Резонанс туннеллашуви ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлган технологиялар ҳақидаги саволларни кўриб чиқамиз. Биз амалга оширган ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, асосий ютуқни тўғридан-тўғри кремний диоксиди қатламида жойлашган аралашмалар ва нуқсонлар бериши мумкин.

Кремний диоксидида E_N локал энергетик стаҳларни альтернатив усули радиацион нурлантириш масалан, протонлар, нейтронлар ёки гамма-квантлари ёрдамида ҳосил қилиш мумкин.

Бу бобда, қиздириш натижасида электр энергиясини олишга олиб келадиган тоза кремний ва техник кремний кукунлари аралашмасидан тайёрланган изотипли энергия алмаштиргичи конструкция келтирилган. (7-расм)



7-расм. Иссиқлик энергияси алмаштиргичи ва $U_{3.ю.}$ ва $I_{к.т.}$ нинг температурага боғлиқлиги

Кўришиб турибдики, узунлиги 6 мм бўлган ишчи жисмни бир четини $T = 700$ К температурагача қиздириш натижасида, яъни температура градиентини ҳосил қилиш натижасида ускуна ~ 100 мВ кучланишда ~ 200 мА/см² ток олиш имконини беради. Ушбу конструкция № IAP 05121 номерли ЎзР Патенти билан ҳимояланган.


Бундан ташқари иссиқлик энергияси ўзгартиргичларини кетма-кет ва параллел улашнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган (1-жадвалга қаранг). Ушбу батарейканинг конструкцияси ЎзР № IAP 04824 патенти билан ҳимояланган.

1- жадвал


Иссиқлик энергияси алмаштиргичларини кетма-кет ва параллел улаш

Иситиш №	Улашгача бўлган параметрлар						Уланишдаги параметрлар			
	№1 (16)		№2 (17)		№3 (39)		Кетма-кет		Параллел	
T (K)	U (мВ)	I (мкА)	U (мВ)	I (мкА)	U (мВ)	I (мкА)	U (мВ)	I (мкА)	U (мВ)	I (мкА)
500	13	180	25,5	362	26,4	208	67,5	247	21,5	745
650	24,4	688	54,4	2800	50,6	1036	128	1222	46,2	4570
800	34	1430	69,7	5970	61,6	2210	164	2570	59,1	9450
900	42,3	2360	70,9	7870	65,8	3548	184	4080	63,5	13250

Шунингдек турли ўтказувчанлик типига эга ҳажмли материалларни майдалаш орқали тайёрланган ўзини механик бир-бирига тегиб турувчи кремний кукунлари сифатида намоён қилувчи янги типдаги иссиқлик энергияси алмаштиргичи келтирилган. 9 расмда уни макетини унча катта бўлмаган температураларда солиштириш учун схемаси ва одатдаги характеристикалари келтирилган. Ушбу конструкция ЎзР № IAP 04831 патенти билан ҳимояланган.



1 - p соҳа, 2 - n соҳа, 3 - диэлектрик материалдан тайёрланган корпус ,
4 - селектив қоплама, 5 – омик контакт 6 - чиқиш



9 - расм. Гранулланган кремнийдан тайёрланган p ва n соҳали иссиқлик энергияси алмаштиргичи

4-бобда гранулланган кремнийдан ясалган изотип иссиқлик алмаштиргичи макетининг экстремал шароитларда ўзини тутишига тегишли маълумотлар келтирилган.

1. Макетни суюқ азотга ($T \sim 77\text{K}$) жойлаштириш натижасида ток ва кучланиш, худди уни қиздиргандаги каби пайдо бўлади, фақатгина ишораси қарама-қарши бўлиши кузатилди. Иккала параметр ҳам иситилгандагига нисбатан 10 баробар кичик, масалан температура 500 K гача ва совутилаётган металл-кремний контакти термоЭЮК билан мутлақо боғлиқ. Яъни солиштирма термоЭЮК нинг аномал юқори қиймати ва мос равишда $U_{э.ю.}$ ва $I_{к.т.}$ қиздирилганда термоэлектрик ва тепловольтаик эффектнинг умумлашган таъсири юзага келади.

2. Иссиқлик энергияси алмаштиргичи макетини юқори қувватли лазер нурланиши (ROFIN-SINAR лазери) ёрдамида нурлантирилганда 357mA/cm^2 ток зичлиги ва 350 мВ кучланиш ҳосил бўлди. Қурилма унга тушган импульсларни қайд қилди ва ишдан чиқмади.

3. Иссиқлик энергияси алмаштиргичи макетида барча турдаги ва типдаги яримўтказгичли қурилмалар ва ускуналар учун шаксиз ҳалокатли ҳисобланадиган Co^{60} билан 10^9 рад дозали γ квантлар билан нурлантиришгача ва нурлантирилгандан кейинги ўлчашлар натижаларини таққослашлардан, гранулланган кремний асосида тайёрланган иссиқлик энергияси алмаштиргичи параметрларида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмади.

ХУЛОСА

1. Илк бор гранула кўринишидаги, яъни кукун ҳолатидаги кремнийнинг электрофизик хусусиятлари ўрганилди. Намуналарни қиздиришда қоронғилик кучланиши $U_{э.ю}$ ва токи $I_{к.т.}$ юзага келиши аниқланди.

2. 300-500 К температура оралиғида $U_{э.ю}$ кучланиши грануллашган кремнийдан тайёрланган намунанинг кукунларини сиқиш босимида (20-200 МПа) амалий жиҳатдан боғлиқ эмаслиги, температура фарқига кучли боғлиқлиги лекин намунанинг ўртача температурасига эса кам боғлиқлиги кўрсатилди. Қисқа туташув токи $I_{к.т.}$ эса аксинчи, кукунларини сиқиш босимида, температура фарқининг мутлоқ қийматига ва намунанинг узунлиги бўйлаб тақсимотининг ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

3. Илк бор ўлчанган КЭС 0,01 ва КДБ 10 маркали монокристалл кремнийдан тайёрланган р- ва n-типтаги грануллашган кремний намуналарида Зеебек коэффиценти 300÷350 К температура диапазонида монокристалл кремнийникидан 10 баробар катта экан ва ~500 мкВ/К ни ташкил қилади, иссиқлик ўтказувчанликнинг қиймати ~16 Вт/м·К, бу эса монокристалл кремнийникидан ~9 марта кичик экан, кремний кукунини қиздириб бириктирилган намунасида 4-5 марта кичик экан ва ғовакли кремнийга хос бўлган қийматларга яқинлашади.

4. Грануллашган кремнийни монокристалл ва поликристалл модификацияларидан тубдан фарқ қилиши кўрсатилган, бу ўзини икки компонентли гетероген муҳит сифатида ўзини намоён қилади, унда микроўлчамли заррачалар-кремний гранулалари ҳар томондан наноўлчамли оксид қатлами билан қопланиши ҳақиқатан «электрон кристал-фонон шиша» хусусиятларини ўзида бирлаштирган система каби ўзини намоён қилади. Ушбу

система учун асосий термоэлектрик катталиқ $Z_{eff} = \frac{\alpha_1^2 \sigma_2}{\chi_2}$ ифода билан

аниқланади, бу ерда α_1 – кремний грануласи учун Зеебек коэффиценти, χ_2 – кремний грануласини ўраб турган SiO_2 плёнкасининг иссиқлик ўтказувчанлиги ва σ_2 –кўрсатилган оксиднинг ўтказувчанлиги. Шундай экан, иссиқлик ўтказувчанлиги χ SiO_2 учун кремнийникига нисбатан анча кичик, бундан Z бу каби системалар учун монокристалл ва поликристалл кремнийникига нисбатан анча катта бўлади.

5. Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, наноқалинликдаги SiO_2 плёнкаси орқали заряд ташувчиларни резонансли туннель ўтишини ташкил қилиш орқали грануллашган кремнийнинг ўтказувчанлигини оширишга эришиш мумкин, бунинг учун ўтказувчанлик зонаси ости яқинида оксиднинг тақиқланган зонасида аралашмалар киритиш ёки нурланиш билан таъсир қилиш орқали $E_c^{Si} \leq E_N < E_c^{SiO_2}$ шартни қаноатлантирувчи локал энергетик сатҳ E_N ни ҳосил қилиш керак, бу ерда $E_c^{SiO_2}$ SiO_2 нинг ўтказувчанлик зонасининг қуйи қисми, E_c^{Si} эса кремнийнинг ўказувчанлик зонасининг қуйи қисми.

6. Илк бор кремнийда чуқур энергетик сатҳни берадиган аралашма киритилган грануллашган изотип кремний материалдан тайёрланган ишчи жисмдан ташкил топган иссиқлик энергиясини алмаштиргичи ишлаб чиқилди.

Макетни 900 К гача қиздириш натижасида ўлчашлардан $U_{э.ю} \sim 100$ мВ кучланишини ва $I_{к.т.} \sim 200$ мА/см² ток зичлигини олиш мумкинлиги кўрсатилди. Иссиқлик энергиясини алмаштиргичларини батарейкаларга улашнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Бу қурилмадан фойдаланиб йиғилган қуёш нуруни электр энергиясига ўзгартириш учун фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

7. Илк бор турли хил ўтказувчанлик типидagi кремнийдан тайёрланган грануланган кремнийни бир-бирига механик сиқиш йўли билан ишлайдиган шаклида иссиқлик энергияси алмаштиргичи тайёрланди. 650 К ҳароратда энг юқори энергетик хусусиятлари $U_{э.ю} \sim 200$ мВ ва $I_{к.т.} \sim 200$ мА/см² ни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ИНСТИТУТ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

АДИЛОВ МУХАММАДЖОН МАШАРИБОВИЧ

**ТЕРМОЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ГРАНУЛИРОВАННОГО
КРЕМНИЯ**

01.04.04. – Физическая электроника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/FM65.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.iplt.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Ашуров Хатам Бахронович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Эгамбердиев Бахром Эгамбердиевич**
доктор физико-математических наук, профессор

Исаханов Зинаобидин Абилпейзович
доктор физико-математических наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Институт физики полупроводников и микро-электроники при национальном университете Узбекистана**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий по адресу: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № ____), по адресу: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, 33. Тел.: (+99871) 262-31-69.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки _____ от « ____ » _____ 2019 года).



С.С. Курбанов
Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

Д.Т. Усманов
Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник



Б.Е. Умирзаков
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время одной из основных мировых проблем является энергетическая. Поэтому в мире проводятся усовершенствование традиционных источников энергии и поиск альтернативных, основными требованиями к которым являются доступность, дешевизна и экологическая чистота. Одно из направлений этих поисков – получение электроэнергии прямым преобразованием тепла природного или техногенного происхождения с использованием термоэлектрических устройств, для изготовления которых в последнее время создаются новые типы термоэлектрических материалов, сочетающих свойства «электронного кристалла и фононного стекла». Отмечается также интерес к использованию для этих целей не монокристаллических модификаций полупроводников, в том числе и кремния, имеющего преимущества перед традиционными материалами типа BiTe, а также других полупроводников среди распространенных в минералах земной коры, освоения технологии извлечения и дешевизны. В этой связи актуальны проблемы и задачи, связанные с изучением электрофизических и особенно термоэлектрических характеристик различных модификаций кремния и созданием на их основе преобразователей тепловой энергии.

В последние годы в мире во многих специализированных научных центрах для решения этих задач ведутся исследования свойств модификации кремния с микро- и наноразмерными структурами типа пористого, микрозернистого поликристаллического и гранулированного кремния, поскольку монокристаллический или крупноблочный поликристаллический кремний, широко используемые в электронной технике и солнечной энергетике и обладающие высокой ~ 150 Вт/м·К теплопроводностью и малым коэффициентом Зеебека ~ 44 мкВ/К, в этом качестве не пригодны.

В последнее время в Республике Узбекистан усилилось внимание к изучению термоэлектрических свойств силицидов различных металлов, а также ведутся исследовательские и инновационные работы по актуальным вопросам физики термоэлектрических и тепловольтаических явлений в полупроводниках, направленные на увеличение эффективности прямого преобразования тепловой энергии в электричество. Направления этих фундаментальных исследований и разработок, имеющих большое значение для развития науки нашей страны и их практического применения, отражены в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы¹.

Данное диссертационное исследование, в определённой степени, соответствует задачам, поставленным в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и № УП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности»

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 г.

от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: III. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино – и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения» и II. «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

Степень изученности проблемы. Ряд важнейших научных исследований по данной тематике проведен в различных зарубежных научных центрах, в том числе были оценены термоэлектрические свойства различных полупроводниковых материалов с целью улучшения их термоэлектрических характеристик. Наиболее значительные результаты в указанной области были достигнуты зарубежными учеными, например, российскими (А.А. Снарский, А.К. Сарычев, А.В. Дмитриев, И.П. Звягин, Я.Б. Магомедов, М.И. Федоров, М.М. Гаджиалиев, В.В. Каминский), немецкими (Ж. Дебур, С. Стиве, Ш. Фолькер, Е. Муллер, К. Забреки) американскими (Е.Ж. Тимм, Т.П. Хоган, Д. Кендиг, А. Шакури, А. И. Хочбаум), японскими (Т.К. Хиромаса, И. Аояма, С. Сано, Ш. Ямамото, Т. Аизава, А. Ямамото) и другие, а также ученые из нашей страны (М.С. Саидов, Б.М. Абдурахманов, Л.О. Олимов, Г. Абдурахманов, Н.А. Матчанов, А.М. Касымахунова, Т.С. Камиров)

